Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2011 йил
23 июль
ШАНБА

№ 58
(12.382)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси | www.th.uz

ЎЗБЕКИСТОН ҒАЛЛАКОРЛАРИГА

Қадрли юртдошлар!

Шу кунларда ғалла тайёрлаш мавсумига якун ясаб, юксак хирмон бунёд этган заҳматкаш ва фидойи деҳқонларимизнинг мардона меҳнати учун самимий миннатдорлик билдириш, уларни бағримга босиб, чин қалбимдан табриклаш менга катта мамнуният етказади.

Бу йилги ўта оғир мавсум шароитида бундай улкан ғалабага эришиш, яъни 6 миллион 800 минг тоннага яқин ғалла хирмони яратиш, жумладан, суғориладиган майдонлардан 6 миллион 700 минг тонна ҳосил олиш нақадар машаққатли меҳнат эвазига бўлганини барчамиз яхши тушунамиз ва бунинг учун азамат деҳқонларимизга ҳар қанча таҳсин-тасаннолар айтсак, арзийди, албатта.

Ҳақиқатан ҳам, об-ҳаво ғоят ноқулай келган, кучли сув танқислигининг салбий таъсири барча ҳудуд ва минтақаларимизда яққол сезилиб турган жорий йилда мамлакатимиз қишлоқ хўжалик ходимлари ҳар қачонгидан ҳам мураккаб қийинчиликларга дуч келганини кўплаб мисолларда кўриш мумкин.

Аввало, кузда ва кўкламда ёғингарчиликнинг етарли даражада бўлмагани туфайли ғалла ниҳолларини бир текис ундириб олиш қанчалик қийин бўлганини эсга олайлик. Афсуски, бундай вазият кўп жойларда лалми майдонларга экилган ғалланинг нобуд бўлишига олиб келди. Сув танқислиги ўз навбатида суғориладиган майдонларда ҳам жиддий муаммоларни туғдирди. Тупроқда намлик даражасининг етишмаслиги, ҳаво ҳароратининг меъёридан ошиб кетиши, қишлоқ хўжалик зараркунандалари ва турли касалликларнинг салбий таъсирини бартараф этиш деҳқонларимиздан катта матонат ва маҳоратни талаб қилди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Фақат ишни тўғри ва оқилона ташкил этиш, агротехник тадбирларни пухта ўтказиш, барча куч ва имкониятларни ҳосилни сақлаб қолишга сафарбар қилиш, ҳар томчи сувдан тежамкорлик билан фойдаланиш деҳқонларимизга бундай оғир синовдан ёруғ юз билан чиқиш имконини берди.

Бир сўз билан айтганда, ернинг сирини чуқур билиш, тупроқ билан тиллашиб яшаш каби бизнинг деҳқонларимизга мансуб бўлган азалий тажриба ва омилкорлик фазилатлари жорий йилда мана шундай мўл ҳосил етиштиришга мустаҳкам замин яратди. Бу йилги ғалабани таъминлашда далада ишлаётган меҳнатчиларимизнинг онгу тафаккури тубдан ўзгариб, уларнинг ўз ери, ўз мулкига нисбатан эгалик ҳисси кучайиб, ўз меҳнатидан тобора кўпроқ баҳраманд бўлиб бораётгани ҳал қилувчи омил бўлди, деб айтишга тўлиқ асосимиз бор.

Албатта, белгиланган шартнома режасини адо этишда бутун қишлоқ хўжалиги соҳаси қатори ғаллачиликни зарур моддий-техник ресурслар билан таъминлаш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сифатли уруғлик, минерал ўғитлар, ёқилғи-мойлаш материалларини ўз вақтида етказиб бериш, имтиёзли кредитлар ажратиш бўйича самарали тизим йўлга қўйилгани деҳқонларимиз учун катта куч ва мадад бағишлади.

Бу йилги мавсумда Андижон, Бухоро, Фарғона, Самарқанд, Тошкент вилоятларида ҳосилдорлик ўртача 53-64 центнерни ташкил этгани, Олтинкўл, Пахтаобод, Ромитан, Пешку, Тошлоқ, Қува, Иштихон, Пастдарғом, Оққўрғон, Денов, Сариосиё, Дўстлик, Хатирчи, Китоб, Учқўрғон, Боёвут туманларида бу кўрсаткич ўртача 60 центнердан юқори бўлгани миришкор ўзбек деҳқонининг қандай улуғвор ишларга қодир эканидан яққол далолат беради.

Сариосиё туманидаги "Ҳайитали Боймуҳаммедов" фермер хўжалиги гектаридан 88 центнер, Ғиждувон туманидаги "Маржона Файз" фермер хўжалиги 80 центнер, Балиқчи туманидаги "Обиджон ота" фермер хўжалиги 76 центнер, Зангиота туманидаги "Шуҳрат Зиё" фермер хўжалиги 76 центнер, Учкўприк туманидаги "Ҳакимбой" фермер хўжалиги 75 центнер, Хатирчи туманидаги "Баҳриддин ота" фермер хўжалиги 74 центнердан ошириб ҳосил олгани фермерлик ҳаракатининг нақадар беқиёс имкониятларга эга эканини амалда кўрсатиб турибди.

Ҳурматли дўстлар!

Қўлга киритилган бугунги улкан ғалаба ҳақида гапирганда, албатта, ўз донимиз, ўз беминнат нонимизга эга бўлиш, ғалла мустақиллигига эришиш йўлида қўйган тарихий қадамларимизни эсга олишимиз табиийдир.

Ўтган йиллар давомида ва бу йил юртимизда ғаллачилик соҳасида эришган ютуқларимизнинг нақадар катта аҳамият ва қадр-қимматга эга эканини ўзимизга тасаввур қилар эканмиз, мустақилликни қўлга киритган дастлабки йилларни беихтиёр хаёлимиздан ўтказамиз.

Агар 1991 йилда ўлкамизда жами 940 минг тонна ғалла етиштирилиб, ҳосилдорлик 17 центнерни ташкил қилган бўлса, ушбу рақамларни бу йилги хирмон билан солиштирадиган бўлсак, тайёрланган дон маҳсулотининг умумий ҳажми 7 баробардан зиёд, ҳосилдорлик эса 3 карра ошгани мисолида бизнинг бу соҳада қандай улкан, тарихий ривожланиш йўлини босиб ўтганимиз яққол намоён бўлади.

Бугун ана шундай рақамлар ҳақида сўз юритар эканмиз, яна бир ўта муҳим ва ҳеч нарса билан солиштириб бўлмайдиган ҳолатни алоҳида таъкидламасдан бўлмайди.

Бундан 20 йил аввал, яъни совет тузуми даврида республикамизда тайёрланган ғалланинг барчаси давлат олдидаги мажбуриятни қоплаш учун топширилар, машаққатли меҳнати билан ҳосил етиштирган деҳқоннинг ўзи эса, донсиз, унсиз қолиб кетар эди. Унинг устига, халқимизни боқиш учун ҳар йили 3,5-4 миллион тонна ғаллани четдан олиб келишга мажбур бўлган ҳолни эсласак, бугунги кунда мамлакатимизда тайёрланаётган умумий ҳосилимизнинг фақатгина 37 фоизи давлат олдидаги шартномани бажариш учун топширилаётгани кўп нарсани англатади. Тайёрланган доннинг аксарият қисми, яъни 55 фоиздан ортиғи фермер хўжаликлари ва аҳоли ихтиёрида қолдирилаётгани деҳқонларимизнинг омборини ғаллага, рўзғорини қут-баракага тўлдиришга хизмат қилмоқда.

Мана шу биргина мисолнинг ўзиёқ Ватанимиз истиқлолининг 20 йиллик қутлуғ тўйига тайёргарлик кўрилаётган шу кунларда мустақиллик эл-юртимизга унинг манфаатини таъминлашда қандай беқиёс имкониятлар яратиб берганининг яққол, ҳеч қандай тарғибот-ташвиқот талаб қилмайдиган исботи эмасми?

Айни вақтда ғаллачиликни ривожлантириш ҳисобидан юртимизда озиқ-овқат саноати, чорвачилик ва паррандачилик каби тармоқлар жадал тараққий топиб, ички бозоримизни ун ва нон, гўшт ва сут маҳсулотлари, тухум билан таъминлаш масаласида илгари тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган натижаларга эришаётганимизни бугун ҳар қадамда кўриш, сезиш қийин эмас.

Шу борада амалга оширган изчил саъй-ҳаракатларимиз туфайли биз эндиликда дон бўйича нафақат ўз эҳтиёжларимизни тўла қондиришга, керак бўлса, ғаллани четга экспорт қиладиган давлатлар қаторидан жой олишга муяссар бўлганимиз албатта барчамизга ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Муҳтарам юртдошлар!

Бугунги қувончли айёмда сиз, миришкор ғаллакорларимиз, илғор механизатор ва комбайнчиларимизни, мутахассис ва мутасаддилар, бу улкан зафарга муносиб ҳисса қўшган барча-барча инсонларни яна бир бор қизғин табриклаб, ўзимнинг юксак ҳурматим ва эзгу тилакларимни изҳор этаман. Ўзининг олижаноб, фидокорона меҳнати билан Ўзбекистонимизни янада обод ва фаровон қилаётган юртдошларимизга бутун халқимиз номидан таъзим қиламан.

Хонадонларимиздан, эл-юртимиздан тинчлик-осойишталик, файзу барака аримасин!

Ҳамиша бахтингиз, омадингизни берсин, ҳалол меҳнатингизнинг роҳатини кўринг, азизларим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!

Ватанни севмоқ иймондандир, дейдилар. Ана шу муқаддас туйғу устувор юртда ҳар доим бунёдкорликка йўғрилган янгиланишлар кўзга ташланади.

Вилоятимизнинг бошқа жойларида бўлгани каби Юқори Чирчиқ туманида амалга оширилаётган ўзгаришлар бунинг ёрқин исботидир.

Туман истиқлол йилларида янада чирой очди. Одамларнинг онгу шуури, ҳаётга муносабати ўзгарди. Замонавий қиёфадаги турар-жойлар, маъмурий бинолар, ораста, сариштa кўчалар, рангли чироқлар ўрнатилган кўркам сайилгоҳлар... Бари, Истиқлол неъматидир!

Юқори Чирчиқ:

ҲАР ҚАДАМДА ЯНГИЛАНИШ

1. Онгу шуур, ишга ёндашув, ҳаётга муносабат ўзгармоқда

Юқори Чирчиқ пойтахтга яқин ҳудудлардан бири. У шарқдан Паркент, Ўрта Чирчиқ, ғарбдан Қибрай, Зангиота, жануби шарқдан Оҳангарон, шимолдан Бўстонлиқ туманлари билан чегарадош. Асосан қишлоқ хўжалигига ихтисослашган туман ҳудуди 444 минг квадрат километр майдонни эгаллаган. Паркент, Ҳамдам, Қорасув, Бектемир каби умумий узунлиги 183 километрга тенг каналлар оқиб ўтган бўлиб, бу туманни сув билан таъминлашда енгиллик яратади.

24 минг 49 гектар майдон ҳайдалган ерлар сирасига киради, шундан 22 минг 425 гектари суғориладиган, 1 минг 624 гектари лалмикордир. Улкан ва ноёб салоҳиятга эга саноат ва ишлаб чиқариш корхоналари, меҳнаткаш, ишнинг кўзини биладиган, омилкор деҳқонларнинг туман иқтисодиёти ривожига қўшаётган ҳиссаси катта.

Юқори Чирчиқнинг энг катта бойлиги – бу унинг йиллар давомида аҳил ва иноқ яшаб келаётган, оққўнгил, бағрикенг, меҳмондўст, лафзи ҳалол кўп миллатли халқидир. Улар ақл-заковат, билим ва тажрибаларини ишга солиб, сабр-матонат билан меҳнат қилиб, туман шуҳратига-шуҳрат қўшмоқдалар. Шундан бўлса керак, туманнинг импорт ва экспортдаги кўрсаткичлари кутилгандан-да яхшироқ.

Ўтган йили 47 миллион 955 минг АҚШ долларилик маҳсулот экспорт қилинган бўлса, жорий йилнинг олти ойи ичида "Нербех Рефайн", "Шамс", "Голден Бринг", "Алиф Гранд", "Юқори Чирчиқ Агробоғинвест" масъулияти чекланган жамиятлари ва қатор корхоналар жами 33 миллион 207 минг АҚШ долларилик экспортни амалга оширди. Албатта, бунда тумандаги "SOLEY TEXTILE" болалар трикотаж кийимлари корхонасининг ўрни беқиёс. У ўз маҳсулотларнинг 95 фоизини Россия давлатига экспорт қилади. Корхонада янги туғилган чақалоқдан тортиб, 12-13 ёшдаги ўғил-қизлар учун 20 хилдаги бежирим, ўзгача бичим ва безак берилган уст-бош кийимлари тикилади. 350 га яқин киши ўзларига белгиланган ишни бажариш билан машғул. "SOLEY TEXTILE" вилоятимизнинг Паркент туманида ҳам ўз бўлимини очган бўлиб, у ерда 150 ишчи фаолият юритмоқда.

– Ишчиларимизни хоҳ у тикишни билсин, ё билмасин, барибир махсус дарслар ташкил қилиб, ўқитамиз, – дейди корхона иш юритувчиси Шаҳодат Ризаева. – Шундан кейингина улар тикув дастгоҳларига ўтиришлари мумкин. Чунки экспорт маҳсулотлари юқори малака талаб этади-да. Корхона яқин келажакда, маҳсулот турларини бойитиш ниятида. Хуллас, иш суръати пасаймаса биз жаҳон бозорларини тўла забт этишимиз тайин.

Эслатиш жоизки, ўтган йили 16 миллион 970 минг долларлик импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқарилган. Бу йил кўрсаткични бир неча баробарга кўтариш режалаштирилган.

"Тинчлик" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган "SILVER EAGLE" масъулияти чекланган жамиятининг ички бозорларимизни сифатли товуқ гўшти билан таъминлашдаги роли аҳамиятли. У ойига 30-35 тонна гўшт ишлаб чиқариш қувватига эга. Ферма иш бошлаганига кўп бўлмаган бўлсада, эришаётган натижалари салмоқли. Бу ерда 4 та қушхона қурилган бўлиб, уларда 45 мингдан зиёд бройлер товуқлари боқилмоқда.

Эътиборлиси шундаки, товуқлар парвариши тўлиқ компьютер асосида бошқарилади. Бу ҳам ишчи кучини тежайди, ҳам самарадорликни оширади.

– Жўжаларни Европа давлатларидан сотиб оламиз, – дейди корхона раҳбари Икром Қудратов. – Ҳозирда бу ишни ўзимизда бошлашни режа қилаяпмиз. Бунинг учун янги инкубатория қурдик, технологияларини сотиб олиш бўйича дунёнинг етакчи давлатлари билан шартномалар имзоладик. Бунда давлатимиз томонидан яратилган имтиёзлардан кенг фойдаландик. Барча технологиялар Туркиядан келтирилган товуқ фермасида 20 га яқин ишчи меҳнат қилмоқда.

"SILVER EAGLE"дан ташқари туманда "Ҳумо парранда", "Тонг савдо белгиси", "Шаффоф нурли замин", "Фоворт реал сервис" каби 10 га яқин фермалар бор.

Улардан яна бири "Парранда саноат барака"дир. Салкам 146 гектар майдонни эгаллаган ферма 2005 йилда иш бошлаган бўлиб, тухум етиштиришга мўлжалланган. Бугунги кунда у ерда 20 нафар ишчи 190 мингга яқин товуқларни парваршламоқда. Ферма бу йилнинг дастлабки 4 ойида 5 миллионга яқин тухум топширди.

Бордонкўл қишлоғидаги "Техно прогресс парранда"нинг ҳам иқтисодиётда ўз ўрни, ўз мақеи бор. У ҳам парранда гўшти, ҳам тухум етиштиради. Унинг эришаётган юқори натижалари хусусида гап кетганда раҳбар ва ишчиларнинг машаққатли меҳнатини алоҳида таъкидлаш керак.

Туманда чорвачилик билан шуғулланувчи 47 та фермер хўжалиги бўлиб, уларда жами 35 мингдан зиёд мол, қўй-эчки ва отлар боқилмоқда. Биргина "Тано" фермер хўжалигини олсак. У 546 гектар ерни эгаллаган бўлиб, шундан 134 гектарида ғалла етиштириб, давлатга 476,6 тонна дон топширди. Хўжаликда 432 бош Голландиядан келтирилган наслдор моллар боқилмоқда. Шундан 200 таси соғин сигирлардир.

– Бир кунда 3 тонна сут оламиз, – дейди раҳбар Акмал Газибаев. – Шу сабабли ўзимизда сутни қайта ишловчи цех очдик. Унда бир кунда 2,5 тонна маҳсулот тайёрланаяпти. Яқинда Италиядан янги технологик линия олиб келиб, ишлаб чиқариш қувватини 10 тоннага етказишни кўзлаяпмиз.

Цехдан чиқаётган "Камилка" савдо белгили творог, йогурт, қаймоқ, сметана, кефир каби 16 хил маҳсулотлар туман ва пойтахтдаги 70 дан ортиқ савдо дўконларига етказиб берилмоқда.

Цех раҳбари Равшан Юнусовнинг айтишича, дастлаб 200 литр сут қайта ишланиб, 3 хил маҳсулот чиқарилган экан. Ҳозирда фаолият янада кенгайтирилиб, ишчилар сони ҳам ортмоқда. "Камилка" сут ва сут маҳсулотларининг сифати мижозларга манзур бўлаётганига шубҳа қолмади.

Дарвоқе, туманда балиқчиликни йўлга қўйиш борасида ҳам талай чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Яқинда Янгибозор қўрғони, Наврўз, Истиқлол қишлоқ ҳудудларида "Балиқ парранда саноат", "Кушок Суннатулла", "Лола-Наргиза" балиқчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ташкил этилди. Ҳозир бу ердаги ҳовузларга балиқ чавақлари ташланган.

СУРАТЛАРДА: Педагогика касб-ҳунар коллежи талабалари; "Техэнергореммаш" корхонаси ишчилари Иван Бондеренко ва Руслан Латипов иш жараёнидаги натижаларни муҳокама қилишмоқда.

БОЛАЛАР ЁЗИ – 2011

УНУТИЛМАС ҚУВОНЧ ОНЛАРИ

Вилоятимиз оромгоҳларида ёзни кўнгилли ўтказган Хоразм болаларининг сўнгги гуруҳи куни кеча Тошкент шаҳар вокзалидан жўнаб кетди.

– Урганч шаҳри, Янгибозор ва Шовот туманлари мактабларининг 150 ўқувчиси "Бойчечак" оромгоҳида дам олди, – деди гуруҳ раҳбари Гулнора Матёқубова. – Ҳар бир кун кўнгилли ўтди. Саёҳатлар, қўшиқ фестивалари, учрашувлар болаларимизда катта таассурот қолдирди. Бунинг учун касаба уюшмалари Тошкент вилоят ташкилотлари бирлашмаси кенгаши, Хоразм болаларини хушҳаво жойларда дам олдиришнинг барча ташкилотчиларига, тарбиячи ва мураббийларга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

– "Гулла, яшна, хур Ўзбекистон!" фестивалида "Ўзбекистон" қўшиғимни ижро этиб, соврин олдим, – деди Урганч шаҳридаги 13-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Феруз Саъдуллаев.

(Давоми 2-бетда).

Юқори Чирчиқ:

ҲАР ҚАДАМДА ЯНГИЛАНИШ

2. Ерни боқиб, бой бўлаётганларнинг истиқболдан кўнгли тўқ

Жаҳон бозорида ўзбек пахтаси ва унинг толасига талаб ниҳоятда юқори эканлигини яхши биламиз. Сабаби, серқуёш заминимизда етиштирилаётган "оқ олтин" ўзининг саноатбоплиги жиҳатидан алоҳида ажралиб туради, ранги, сифати билан халқаро стандартларга мос.

Истиқлол шарофати, Президентимиз раҳнамолиги ва ташаббуси билан қишлоқ хўжалиги, хусусан пахтачилик тармоғида изчил амалга оширилаётган туб ислоҳотлар самараси бу.

– Мустақиллик йилларида мамлакатимизда пахта етиштириш ва уни қайта ишлашга бўлган ёндошув бутунлай ўзгарди, – дейди "Кавсар замин барака" фермер хўжалиги раҳбари Талъат Дадажонов. – Тармоқдаги ютуқлар илгаригидек рақамлар билан эмас, балки кўриладиган соф фойда салмоғи билан баҳоланадиган бўлди. Ўз навбатида бу деҳқон кучига-куч, ғайратига ғайрат қўшмоқда.

Фермер Талъат Дадажоновнинг бундай дейишига асосли сабаблари бор. У яратилаётган имконият ва шароитлардан унумли фойдаланиб, 236 гектар майдонда деҳқончилик қилмоқда. Шундан 115 гектарига пахта эккан.

Ғўзанинг бугунги ҳолатидан Талъат фермернинг кўнгли тўқ. Негаки, офтобга талпинган ниҳоллар кун сайин, таъбир жоиз бўлса, соат сайин ўсмоқда: шонаётган йили кучли учликка кириб, туманда пахтачилик бўйича ўзига хос мактаб яратилганини исботлашган. Чигит экишдан бошлаб, хирмон уйгунча туман фермерлари-ю, меҳнаткашлари уюшқоқлик билан ҳаракат қилишди. Натижада, ўтган йили 15 минг 342 тонналик хирмон уюлди.

Бунда "Кавсар Замин Барака" қатори "Дархан эли Қултима", "Диёрбек – Дониёрбек", "Танген доктор", "Пардабой Одилов", "Кенжавой Солижон", "Гулистон Дархон ҳосили", "Хилолитдин", "Умар ота ва ўғиллари" фермер хўжаликларининг хизмати катта.

Аслида туман фермер хўжаликларига 27 минг 600 гектар ер бириктирилган. Ўтказилган оптималлаштириш натижасида айни кунда 314 та фермер хўжалиги иш самарадорлигини таъминламоқда. Уларнинг саъй-ҳаракатлари сабаб ҳосилдорлик йил-сайин ортмоқда. Хусусан, пахта етиштиришда ҳосилдорлик 2009 йилда гектаридан ўртача 25,7 центнерни, 2010 йилда эса 26 центнерни ташкил этди. Бу пахта хом ашёсини сотишдаги ўсишга туртки бўлди.

Бошоқли дон сотишда ҳам туман вилоятдаги илғорлардан. Фермерларнинг тиришқоқлиги, машаққатли меҳнати туфайли туманда 2009 йилда 34 минг 071 тонна ғалла етиштирилган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 30 минг 242 тоннани ташкил этди.

– Муваффақиятимизнинг сири аввало тадбиркорликда, – дейди Юқори Чирчиқнинг тажрибали фермерларидан бири Бахтиёр Сулейменов. – Изланган имкон топар деганларидек, 69 гектар майдонда деҳқончилик билан шуғулланаяпман. Шундан 21,7 гектарида пахта, 38,8 гектарида ғалла етиштиряпмиз. Эрта баҳорда "Нота" навли уруғ экдик. Кўз тегмасин, натижа ёмон эмас. Давлатга 140 тонна ғалла топшириб, шартномани ортиғи билан бажардик. Ўзимизга ҳам етарлича қолди, ишчи-хизматчилар билан бўлишдик. Хўжалигимда 7 та ҳайдов трактори, 1 та экскаватор бор. Яқинда 188 миллион сўмлик "Класс" комбайнини лизинг эвазига сотиб олдик. Биз фермерлар яратилаётган бундай қулайлик ва ғамхўрликлардан нолисак гуноҳ бўлади.

Туманда бу каби фермер хўжаликларидан яна 216 та бор. Улар ҳам ўз фаолиятини кенгайтириб, юрт равнақи йўлида ҳаракат қилмоқда.

Турли хил мевалар ғарқ пишган боғлар ҳам туманда талайгина. Улар ўзларининг бири-биридан ширин, тилни ёрар мевалари билан вилоятимиздаги бозор расталарини тўлдиришмоқда.

"Олға мевазор" фермер хўжалиги яратган боғ 35 гектар ерни эгаллаган. Боғда олма, шафтоли, олхўри, гилос каби сархил мевалар ва мўъжазгина узумзор бор.

– Замон ўзгармоқда, жамият жадал тараққий этмоқда, – дейди раҳбар Адил Эшимбетов. – Ҳар қадамда янгиланиш. Биз ҳам хўжаликда янги интенсив боғларни ташкил қилиш ниятидамиз.

Юқори Чирчиқда бўлганимизда, қатор корхона ва ташкилотлар ҳудудида кўркам боғлар барпо этиш режалаштирилаётгани қулоғимизга чалинди. Бу каби эзгу саъй-ҳаракат ўз мевасини беришига ишонамиз.

Хуллас, туман аҳлининг нафақат деҳқончилик балки боғдорчилик, паррандачилик, асаларичилик, балиқчилик, чорвачилик, иссиқхоналар борасидаги муваффақиятларидан қувондик.

Дарвоқе, туманнинг ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича салоҳияти кучли. Чунки, бу ерда "GISHT HUMDON", "KERAMIK IMPEKS", "BAHT-OBODON" каби ғишт, "YUMASH MAKS TRANS", "BAHT" пахта, "SHAMS" қувур ишлаб чиқарадиган корхоналар мавжуд. Бундан ташқари, "SALADA", "SARDOR KAYSYA", "MUSAFFO ZILOL SERVIS", "TEGEN DELIKARES", "IXLOS KELAJAK", "SHUXRAT SHODLIK SAVDO" сингари кетчуп, майонез, нон, салқин ичимликлар, колбаса, сир, макарон ишлаб чиқарувчи озиқ-овқат корхоналари бор.

Улар ўз маҳсулотлари билан аҳоли дастурхонини тўкин-сочинлигини таъминламоқда.

СУРАТЛАРДА: Юқори Чирчиқда бу йил жами 273 гектар майдонда интенсив (пакана ва ярим пакана) боғлар яратилди; "Комил ота – тадбиркор" фермер хўжалиги раҳбари Шамиль Қуллдасов 83,6 гектар ерда деҳқончилик қилмоқда. Шундан 48,6 гектари пахта бўлса, 35 гектарига ғалла экилган. У бу йил ғалладан мўл ҳосил олди.

■ ЎҚУВ-МАШҒУЛОТ

ФАОЛЛИК ОМИЛЛАРИ

Чирчиқ шаҳрида халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари депутатларининг фаоллигини янада ошириш ҳамда маҳаллий ҳокимият вакиллик идоралари фаолиятини кучайтириш масалаларига бағишланган ўқув-машғулоти бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Халқ депутатлари вилоят кенгаши депутатлари, сиёсий партияларнинг депутатлик гуруҳлари, доимий комиссияларнинг раислари, туман ва шаҳар ҳокимликлари ташкилий-назорат гуруҳларининг раҳбарлари, "Маҳалла" жамғармалари ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати маҳаллий бўлимларининг раислари иштирок этишди.

Ўқув-машғулотини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзоси Маҳмуд Тоиров олиб борди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари Қўмитаси раиси Содиқ Сафоев маъруза қилди.

Бундай ўқув-машғулотлари анъанавий тус олиб, Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари, уларнинг доимий комиссиялари, депутатлар фаоллигини кучайтиришга катта ижобий таъсир кўрсатмоқда. Машғулот иштирокчиларининг айримлари билан шу ҳақда суҳбатлашдик.

– Халқ депутатлари кенгашига тўртинчи марта сайланишим, – деди Оҳангарон туман поликлиникасининг мудири Нурия Турсунова. – Лекин мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида Президентимиз илгари сурган ғоя ва устувор вазифаларни амалга ошириш жараёнларида халқ вакиллик органлари, уларнинг доимий комиссиялари ва депутатлар фаолиятида илгари кузатилмаган жонланиш, фаоллашиш юз бераяпти. Чунончи, олдинги шундай машғулотда депутатлик сўровлари, иқтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилишда бу имкониятдан фойдаланишга доир маърузани тинглаб, ўз фаолиятимда ундан фойдаланмоқдаман. Масалан, 30 йилча илгари "Гулистон" маҳалласида 40 оилага мўлжалланган газ таъминоти тизими барпо этилган эди. Ўтган муддатда бу маҳалла кенгайиб, ҳозирда 97 хонадон яшамоқда. Табиийки, бунинг оқибатида газ таъминоти тизими эскирди. Шуни ҳисобга олиб, газ-таъминоти идорасига депутатлик сўрови киритдим. Ҳозирда маҳалланинг газ таъминотини яхшилаш ишлари қизғин олиб борилаяпти. Лойиҳа ишларининг ярми бажарилди.

– Депутатларимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаоллиги сезиларли кучайди, – деди Паркент агросаноат касб-ҳунар коллежи директори, Халқ депутатлари туман кенгаши ёшлар сиёсати, соғлом авлод масалалари бўйича доимий комиссиясининг раиси Дилмурод Мазлумбоев. – Масалан, бизнинг доимий комиссиямиз ўрта умумтаълим мактаблари битирувчиларини касб-ҳунар таълимига тўла қамраб олиш, коллежларнинг битирувчиларини ишга жойлаштириш масалаларини ўрганиб, алоҳида муҳокама қилди. Шу жараёнда бир қатор камчиликлар бартараф этилди. Шу кунларда "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури бажарилишини ўрганаяпмиз. Бу ишларда комиссиямизнинг Зокир Нуров, Покиза Иноғомова сингари аъзолари фаол иштирок этишаяпти.

– Биз тижорат банклари шаҳар бўлимлари ёш оилаларга имтиёзли кредит ажратиш масаласини қандай ҳал қилаётганлигини ўргандик, – деди Халқ депутатлари Чирчиқ кенгаши доимий комиссиясининг котиби, 4-округдан депутат Акмал Самеджонов. – Натижада Халқ, Миллий ҳамда Саноат-қурилиш банкларининг шаҳар филиаллари бу ишларни кескин яхшилашларига эришилди.

Чунончи, Халқ банки томонидан олти ойда 8 та ёш оилага 89 миллион 750 минг сўм имтиёзли кредит ажратилди. Уч ёш оила миллий банкдан 24,25 миллион, тўрт оила саноат-қурилиш банкидан 20,55 миллион сўм кредит олди. Фақат "Ипотекабанк"нинг шаҳар бўлими доимий комиссиямиз сўровларига муносабат билдирмади. Биз бу масала билан шуғулланишни давом эттирмоқдамиз.

Кўриниб турибдики, депутатлар, маҳаллий кенгашлар доимий комиссияларининг фаоллиги кучайиб бормоқда. Чирчиқда ўтган ўқув-машғулотида маърузачилар депутатлик гуруҳлари, доимий комиссиялар фаолиятини янада кучайтириш, депутатнинг шахсий ташаббуси, депутатлик назорати самарадорлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратишди.

Жўра САЪДУЛЛАЕВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

СУРАТДА: ўқув-машғулотидан лавҳа.

Собир ЗУФАРОВ олган суратлар.

Халқ депутатлари Паркент туман кенгаши доимий комиссияси раиси Дилмурод Мазлумбоев:

– Шу кунларда "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурида белгиланган тадбирларнинг бажарилишини ўрганаяпмиз. Бу аслини олганда, мустақиллигимизнинг 20 йиллигига тайёргарликнинг ўзига хос кўриги бўлади.

Халқ депутатлари Чирчиқ шаҳар кенгашининг Ёшлар сиёсати ва баркамол авлод масалалари бўйича доимий комиссиясининг котиби Акмал Самеджонов:

– Доимий комиссиямиз аралашуви билан шу йилнинг биринчи ярмида 15 ёш оиланинг маданий-маиший турмуш даражасини кўтариш мақсадлари учун тижорат банклари томонидан 134,55 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилишига эришдик.

Халқ депутатлари Оҳангарон туман кенгаши депутати Нурия Турсунова:

– Туманимизда тиббиёт ходимлари сонини керагича кўпайтиришнинг йўллари бор. Биз ҳомийларни топиб, иқтидорли ўғил-қизларни олий ўқув юртларида шартнома асосида ўқитиш орқали бу масалани ҳал қилиш билан шуғулланишга киришдик.

■ БОЛАЛАР ЁЗИ – 2011

ҚУВОНЧ ОНЛАРИ УНУТИЛМАС

– "Бойчечак"да спорт мусобақалари кўп ўтказилди, – дейди Шовот туманидаги 4-мактаб ўқувчиси Ботир Шерметов. – Енгил атлетика, футбол, теннис бўйича мусобақаларда қатнашдим. Теннис бўйича чемпион бўлдим.

– Биз футбол бўйича финал мусобақаларида "Турон" жамоаси билан учрашдик, – дейди бошқа бир ўқувчи фахрий ёрлиғини кўз-кўз қилиб. – Бизнинг "Манчестер" жамоамиз ғолиб чиқди.

Умуман, ким билан суҳбатлашманг, ҳамма сўлим ва баҳаво жойларда ўтган дам олиш кунлари уларга бир дунё қувонч бағишлагани, ёрқин таассуротлар қолдиргани ҳақида сўзлайди. Ёлғиз "Бойчечак" оромгоҳида ёз бўйи 550 Хоразм фарзанди дам олдирилиб, соғломлаштирилди. Умуман, вилоятимиз оромгоҳларида Оролбўйи болаларидан 1500 нафари соғломлаштирилиб, дам олдирилди. Улар Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган акцияларда иштирок этишди. "Мустақиллик менинг тақдиримда" мавзусида ўтказилган иншолар танловида Саида Адамова биринчи ўринни эгаллади. Тўгараклар иштирокчилари ижодиётига бағишланган кўргазмалар ташкил этилди. Касаба уюшмалари вилоят ташкилотлари бирлашмаси кенгаши хоразмлик дам олувчиларга 1 миллион 350 минг сўмлик спорт кийимлари совға қилди.

Шунингдек, "Коинот", "Зангори олов", "Йўлчи", "Тонг", "Мехржон" оромгоҳларида ҳам Оролбўйи болалари ёзни мароқли ўтказишди.

– Шу қисқа фурсатли дам олиш чоғида сизлардан кўп нарса ўргандим, – деди шовотлик Ботир Шерметов тарбиячилар билан хайрлашаётиб. – Ўз юмушингизда сидқидиллигингиз, юқори муомала маданиятингиз, мулойим, ёқимли, эътиборлилигингиз учун минг раҳмат.

Жўра АЛИЕВ.

СУРАТЛАРДА: Тошкент вокзалида кузатув лавҳалари.

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

(Давоми. Боши 1-бетда).

■ ТРАНСПОРТ

ЛИЦЕНЗИЯСИЗ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ҚОНУНГА ХИЛОФ

Ангрен шаҳар давлат солиқ идораси йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари билан ҳамкорликда рейд ўтказилаётган чоғида етти нафар фуқарони манзилга элтиш учун чоғланаётган "Дамас" русумидаги автомобилни тўхтатишди.

Аниқланишича, мазкур автомобиллардан бирининг эгаси Муҳаммад Соҳибоев бир йил давомида ҳеч қандай ҳужжат ва лицензияга эга бўлмай туриб, аҳолига автотранспорт хизмати кўрсатиб келаётган экан. Рейд иштирокчилари мазкур масала юзасидан тегишли чоралар кўришди.

Ўтган олти ой давомида Тошкент вилояти ҳокимлиги йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти, ЙХХБ, ДСБ, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган 34 та рейд жараёнида ана шундай ноқонуний ҳаракатланаётган 57 нафар автотранспорт эгаси аниқланди. Мазкур ҳолатлар юзасидан тўпланган ҳужжатлар қонуний чора кўриш учун суд идораларига юборилди.

Хусусан, Ангрен шаҳрининг Ф. Хўжаев кўчаси, 15-уйда яшовчи фуқаро Шавкат Аҳмедов бир неча бор огоҳлантирилиб, маъмурий чоралар кўрилганига қарамай, аҳолига пуллик транспорт хизмати кўрсатиб келаверган. Шунинг учун мазкур ҳолат юзасидан бу шахсга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Айни пайтда шаҳар ДСИ томонидан ҳеч қандай ҳужжатсиз, ноқонуний ҳаракатланаётган автотранспорт эгаларига тегишли чора қўрилибгина қолмай, улар ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, уларга қонуний равишда ҳаракатланиш учун маслаҳатлар, йўл-йўриқлар бериб борилмоқда. Бу эса шаҳарда қонуний равишда фаолият кўрсатаётган автотранспорт эгалари сонининг ортишига хизмат қилмоқда.

Камолиддин АСҚАРОВ.

■ САЛОМАТЛИК ҲАФТАЛИГИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг 20 йиллигини муносиб кутиб олиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар қизғин давом эттирилмоқда. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг аҳоли саломатлигини муҳофазалаш, шу орқали одамларга кўтаринки кайфият бағишлаш маъносидаги тиббий кўриклар ҳафталиги "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!" шиори остида ўтказилмоқда.

ҲЕЧ КИМ ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ

Жорий йилнинг 24-30 июль кунлари вилоятимизда бўлиб ўтадиган "Саломатлик ҳафталиги"да республика ихтисослаштирилган ва илмий-амалий марказлари, илмий-текшириш институтлари ва тиббиёт олий таълим муассасаларининг етакчи олимлари ҳамда малакали шифокорлар иштирок этишади. Эътиборлиси, бу тадбир вилоятимизнинг барча ҳудудларида, ҳатто энг чекка қишлоқларида ҳам ўтказилади.

Фарида КОМИЛОВА,
Саломатлик ва тиббий статистика институти вилоят филиали бўлим мудири.

БИТИРУВЧИЛАРГА ИМТИЁЗ БОР

Чирчиқ Олимпия захиралари коллежи битирувчилари учун диплом топшириш маросими энг қувонарли кун бўлди десак, муболаға бўлмайди.

Улар шу кундан бошлаб орзуларга бой, мустақил ҳаётга қадам қўйдилар. Битирувчиларга йиллар давомида олган билим ва спорт кўникмаларига гувоҳлик берувчи етуклик дипломи топширилди.

Маълумки, Чирчиқ Олимпия захиралари коллежидан ҳар йили кўплаб истеъдодли спортчилар ҳаётга йўлланма олмоқда. Улар орасида Жаҳон, Осиё ва халқаро мусобақалар ғолиблари кўпчиликни ташкил этади. Бу йил ҳам коллеж битирувчиларидан 11 нафарига олий ўқув юртига кириш учун имтиёз берувчи йўлланма топширилди.

Тадбирда ёшларнинг севимли эстрада гуруҳлари ўз қўшиқлари билан битирувчиларни табриклаб, кечага янада файз киритдилар.

Зилола ТОЖИЕВА.

"Республика Кўчмас мулк биржаси" ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

I. Аукцион савдосига Ангрен шаҳар СИБ томонидан, Ангрен шаҳар ИИБ Бўстон жарима майдонида сақланаётган "Опель Вектра" русумли, д/р X415ZFM бўлган, 1990 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда, ижро ҳужжати 14.05.2011 й. Бошланғич баҳоси - 4 082 407,2 сўм.

II. Аукцион савдосига Зангиота тумани СИБ томонидан қўйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. Зангиота тумани "Зангиота матлубот савдо" МЧЖ омборида сақланаётган "BMW-520" русумли, д/р X920OSM бўлган, 1990 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 22.07.2008 й., №4136. Бошланғич баҳоси - 9 531 373 сўм. 2. Зангиота тумани "Кўк-терак матлубот инвест" МЧЖ омборида сақланаётган "Уаз-2206" русумли, д/р ва и/ч йили ноаниқ бўлган автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 27.05.2011 й., №12445. Бошланғич баҳоси - 1 874 000 сўм. 3. Зангиота тумани "Саидумар Абдуллаев" МЧЖ омборида сақланаётган "Урал М-67" русумли, д/р ноаниқ бўлган, 1982 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 27.04.2011 й., №6618. Бошланғич баҳоси - 706 000 сўм.

Аукцион савдоси 2011 йил 23 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган автомототранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИКБ "Ипак йўли банки"нинг Сағбон ф-даги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО 01036, ИНН 200933850. Тузатиш: "Тошкент ҳақиқати" газетасининг 20.07.2011 йилдаги 57-сонида чоп этилган хабарнома билан аукционга қўйилган Ангрен шаҳар СИБ томонидан тақдим қилинган "Ваз-2121" русумли, д/р 11X9398 бўлган автотранспорт воситасининг бошланғич баҳоси - 3200000 сўм деб ўқилсин. Манзил: Тошкент ш., Олмазор т., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. www.rkmb.uz

БУГУННИНГ ГАПИ

ЭПИДЕМИОЛОГИК БАРҚАРОРЛИК САҚЛАНМОҚДА

Кейинги пайтларда баъзи хорижий мамлакатларда ўта хавфли юқумли касалликлар бўйича эпидемик ва эпизоотик ҳолат анча мураккаблашгани кузатилмоқда. Аҳоли миграцияси, мамлакатлар ўртасидаги алоқалар ривожланган бугунги шароитда бундай касалликларнинг тарқалиш хавфи янада ошади.

Бу юртимизда санитария-эпидемиология муҳитини барқарор сақлаш, четдан инфекция кириб келишининг олдини олиш, аҳоли ҳушёрлигини янада кучайтиришни тақозо этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари, Республика Бош Давлат санитария врачи Саидмурод САЙДАЛИЕВ бу борада амалга оширилаётган ишлар хусусида қуйидагиларни сўзлаб берди:

– Юртимизда аҳолини юқумли касалликлардан ҳимоялашнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари ва самарали тизими шаклланган, – дейди С. Сайдалиев. – Президентимиз Ислом Каримовнинг 2007 йил 19 сентябрда қабул қилинган "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги фармонида белгиланган вазифалар ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани бу ишлар кўламини янада кенгайтириш ва халқимиз саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлмоқда.

Юқумли касалликларнинг мамлакатимиз ҳудудига чегара орқали кириб келишининг олдини олиш бу тизимнинг устувор вазифаларидан биридир. Айни вақтда болаларни юқумли касалликларга қарши эмлаш тадбирларини юқори савияда ва уюшқоқлик билан ўтказиш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини ошириш, тиббий-профилактика ишлари қамровини кенгайтиришга қаратиладиган алоҳида эътибор ўз самараларини бераётир.

Мамлакатимизда тиббий-ижтимоий соҳада олиб борилаётган изчил ислоҳотлар натижасида соғлиқни сақлашнинг барча бўғинлари қатори санитария-эпидемиология хизматининг ҳам моддий-техник салоҳияти юксалиб, замонавий технологиялардан самарали фойдаланилмоқда. Бу юртимизда санитария-эпидемиология ҳолатини барқарор сақлаш, ўта хавфли юқумли касалликларнинг олдини олишга хизмат қилмоқда.

Соғлиқни сақлаш тизими даволаш-профилактика муассасалари тиббиёт ходимларининг билимини ва ҳушёрлигини янада ошириш бу жараёнда муҳим аҳамият касб этади. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан бу йўналишда ишлаб чиқилган махсус ўқув-амалиёт дастури доирасида йил бошидан буён эллик тўрт минг нафардан зиёд врач ва икки юз йигирма минг нафардан кўпроқ ўрта тиббиёт ходимлари ва ҳамширалар тайёргарликдан ўтди. Шифокорларга ўта хавфли ва бошқа юқумли касалликларнинг клиникаси, диагностикаси ва даволаш усуллари, аҳоли ўртасида профилактик машғулотларни ташкил этиш услублари бўйича батафсил маълумотлар берилди, уларда зарур кўникмалар ҳосил қилинди.

Ҳудудий санитария-эпидемиология назорати марказлари ичимлик суви манбалари ва очиқ сув ҳавзаларидан, айниқса, трансчегаравий дарёлардан мунтазам намуналар олиб, бактериологик ва кимёвий таҳлил ўтказмоқда. Бозорларда ҳар ҳафтада бир кун санитария ва тозалик куни деб эълон қилинган. Маиший чиқиндиларни ўз вақтида ташиб кетиш устидан доимий назорат ўрнатилган.

Жойларда эпидемиянинг олдини олишга оид бундай тадбирларни мониторинг қилиб бориш ва аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг вилоятлардаги бошқармалари, туман тиббиёт бирлашмалари ҳузурида куну тун фаолият юритадиган махсус штаблар ташкил этилди. Замонавий ахборот технологиялари ва зарур жиҳозлар билан таъминланган ушбу тузилмаларга соғлиқни сақлаш соҳасининг етук мутахассислари, педиатрлар, юқумли касалликлар шифокорлари, илмий-тадқиқот институтлари олимлари, етакчи мутахассислар бириктирилган. Штабларда кундалик маълумотлар жамланиб, таҳлил этиб борилмоқда.

Юртимиз ҳудудига юқумли касалликларнинг четдан кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш мақсадида давлат чегараларини кесиб ўтиш жойларида 58 санитария-назорат пункти фаолият юритмоқда. Уларнинг барчаси малакали кадрлар, замонавий диагностика ва лаборатория таҳлил асбоб-ускуналари, дезинфекциялаш воситалари билан таъминланган. Ушбу пунктларда ўтказилаётган тиббий текширувларнинг самарадорлигини янада ошириш мақсадида бир қатор халқаро аэропортларда тана ҳароратини масофадан ўлчайдиган тепловизорлар ўрнатилган. Санитария-назорат пунктларининг барчаси контактсиз термометрлар билан таъминланган.

Юртимизда эпидемиологик барқарорликни таъминлашда дезинфекция станцияларининг ҳам ўз ўрни бор. Ҳозирги кунда Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида бир юз элликка яқин шундай станция фаолият юритмоқда.

Ҳавфли юқумли хасталикларнинг олдини олишда касаллик манбалари бўлган кемирувчиларга ва уларни ташувчи ҳашаротларга қарши кураш тадбирлари алоҳида аҳамиятга эга. Айни пайтда мамлакатимизнинг барча тиббий-илмий марказлари томонидан бу борада самарали иш олиб борилмоқда.

Ўтган йилларда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Фавқулодда вазиятлар, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари мутахассислари билан ҳамкорликда қуйдирги касаллиги хавфи бўлган ҳудудлар қайта ҳисобга олиниб, бу жойларда эпизоотик ва эпидемиологик хавфсизликни таъминлаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. Ушбу ҳудудларда доимий лаборатория мониторинги йўлга қўйилди.

Аҳолининг тиббий маданиятини ошириш ва хонадонларда санитария-гигиена талабларига, тозаликка тўла риоя этиш ҳар қандай юқумли касаллик кириб келиши йўлидаги мустаҳкам тўсиқдир. Бугунги кунда Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Республика саломатлик ва тиббий статистика институти ва унинг жойлардаги тузилмалари вилоятлар, туман ва шаҳарлардаги тегишли идора, ташкилотлар билан ҳамкорликда бу борада изчил тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормоқда. Ўта хавфли юқумли инфекциялар ва ёз мавсумида учрайдиган ўткир ичак касалликларини келтириб чиқарувчи омиллар, уларнинг олдини олиш усуллари акс эттирилган тарқатма материаллар чоп этилиб, аҳолига етказилмоқда.

Узлуксиз равишда ўтказилаётган бундай кенг кўламли чора-тадбирлар натижасида юртимизда эпидемик ва эпизоотик вазият барқарор сақланмоқда.

ЎзА мухбири Баҳор ХИДИРОВА ёзиб олди.

Юқори Чирчиқ:

ҲАР ҚАДАМДА ЯНГИЛАНИШ

3. Хотиржамлик ва келажакка ишонч соғлом одамларга яраша

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасига қаратилаётган эътибор туман аҳолиси ҳаётида ҳам ўз аксини топаётганига гувоҳмиз. Аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш яхши йўлга қўйилган бўлиб, шифохона, даволаш марказлари ва қишлоқ врачлик пунктлари фаолият юритмоқда.

Туманнинг 121 минг 998 нафар аҳолисига 110 га яқин олий тоифали, 826 нафар ўрта тиббий ходимлар хизмат кўрсатади.

Шифокор, ҳамшираларнинг ҳар олти ойда ўз мутахассисликлари бўйича малака оширишлари назорат қилинади. Ўтган олти ой мобайнида 27 та шифокор, 166 та ўрта тиббий ходим малака ошириш курсларида ўқитилди.

Юқори Чирчиқда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш борасидаги ишларни ўз кўзимиз билан кўриб, ишонч ҳосил қилиш мақсадида туман тиббиёт бирлашмаси раҳбари Дамира Ешимбетова билан суҳбатлашишга аҳд қилдик. Опани ўз хонасидан топа олмадик. Уни Янгибозор марказидаги ободонлаштириш ишларида бош-қош эканида учратдик.

– Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бор-йўғи бир ярим ой қолди, – деди Дамира опа жилмайиб. – Байрамни ёруғ юз билан қарши олиш учун марказни обод қилаяпмиз. Марказий кўча ёқасида жойлашган Тери-таносил ҳамда сил касалликлари диспансери биносининг олд қисмини таъмирлаяпмиз. Ён-атрофига манзарали дарахтлар, ранг-баранг гуллар экдик. Аслини олганда, Диспансер чиройли бўлгани билан даволаш ва профилактика ишлари яхши йўлга қўйилмаса бари бекор. Лекин ишонтириб айтаманки, бизда бу борада камчиликлар йўқ. Рақамларга мурожаат қилсак, туманимизда ўтган йили ва бу йилнинг биринчи ярим йиллигида оналар ва болалар ўлими кузатилмади. Юқумли касалликларни бир ярим бараварга қисқартиришга муваффақ бўлдик. Аҳоли ўртасида ОИТС, зоҳм, сил, гепатитга қарши тарғибот-ташвиқот, шунингдек доимий текширишлар олиб борамиз. Туманимиздаги тиббиёт муассасаларининг замонавий асбоб-ускуналари билан ёндошилишига марказий шифохонада бўлганимизда ҳам амин бўлдик. Шифохона Қувайт банки кредитлари асосида замонавий диагностика асбоблари – УТД, рақамли рентген, сунъий нафас олдириш ҳамда наркоз аппаратлари, кардиомониторлар билан жиҳозланган.

Ҳа, туманда аҳоли соғлиги ва ҳаётини ҳимоя қилиш масъулиятини ўз зиммасига олган, ишонч ва ҳурмат билан ишлаётган, ҳаётсевар, ҳалол, ҳаёлли, ҳаракатчан, ҳушёр, ҳамиятли, ҳаваскор, ҳаваслари ҳаёт, ҳаётбахш, ҳаётий ҳамшираларимиз, ҳамшираларимиз, ҳамшираларимиз ва ҳамшираларимиз бор. Ҳаётимиз ҳамшираларимиз ва ҳамшираларимиз ҳаётидан ҳаётбахш ҳаёт ҳаётидир.

Унинг 50 ўринга мўлжалланган туғуруқ бўлими эса World children ташкилотининг кўмаги билан модернизация қилинди.

Бундан ташқари, туманда аҳоли бандлигини таъминлаш ва ижтимоий муҳофазага катта эътибор қаратилмоқда. Натижада янги иш ўринлари яратиш кўрсаткичи йилдан-йилга кўтарилмоқда. Бинобарин, ўтган уч йил ичида жами 10 минг 306 та янги иш ўринлари яратилди. 2010 йилда 1651 кичик бизнес, 313 касаначилик бўйича ўринлар очилган бўлса, яна 150 таси корхоналар ҳиссасига тўғри келади.

Айни кунда туманда 27 та кичик, 28 та қўшма, 76 та саноат корхоналари, 2 минг 429 та хусусий тадбиркорлар фаолият юритмоқда.

Рақамлар ўз йўлига, аммо шундай кўрсаткичлар борки, уларнинг изоҳи учун рақамлар шарт эмас.

Негаки, уларни сонларда ифодалаб бўлмайди. Бу одамларнинг юзида балқиб турган миннатдорлик ва хотиржамлик, ризолик, келажакка ишонч белгиларидир. Зеро, бу кўрсаткични сунъий ясаш ёки қалбакилаштиришнинг иложи йўқ. Деярли барча Юқори чирчиқликлар юзида ана шундай "кўрсаткич"ларни кўрганимиздан мамнунмиз.

СУРАТЛАРДА: шифокор Дониёр Икромов ва ҳамшира Гулчеҳра Есенбаева муолажа вақтида; ўз ишига масъулият билан ёндашаётган муассасанинг тажрибали мутахассислари беморлардан маслаҳатларини аяшмайди.

НИГОҲ

НАҲОТКИ, СУВ ТЕРРОР ҚУРОЛИГА АЙЛАНСА?!

Тожикистон қуйи минтақадаги мамлакатларга келадиган сув оқимини камайтирмоқчи

Ойни этак билан ёпиб бўлмайди. Касал ҳар қанча яширилмасин, иситмаси барибир ошкор қилади. Тожикистон раҳбарларининг қўшни давлатлар (тўғрироғи, халқлар) манфаатларига бугунги бепарво муносабатларини кўрган ҳар бир кишининг юқоридаги халқ мақолларини эслаши табиий.

"Нурек сув омборининг сатҳи танг белгига яқинлашмоқда". Тожикистоннинг ҳукуматга хайрихоҳ интернет нашри шундай сарлавҳа остида ахборот тарқатди. Қисқа қилиб айтганда, бундай чиқишдан мақсад – Нурек сув омборидан чиқариладиган сувни камайтириш ҳақидаги хабарни халққа билдириб қўйиш. Буни ахборот муаллифлари қуйидагича изоҳлайдилар: "Вахш дарёсида сув оқими тезлиги ва Тожикистондаги энг йирик Нурек ГЭСи сув омборининг сатҳи кескин пасайиши муносабати билан мамлакат минтақалари бир кеча-кундузда икки-уч соат электр қуввати олаяпти".

– Бугунги кунда Вахш дарёсида секундига 150-160 куб метр сув оқиб ўтаяпти, – дея вазиятни шарҳлайди "Барки тожик" электрхолдинг компанияси матбуот котиби Нозиржон Ёдгорий. – Бу ўтган йилнинг шу давридагидан уч баравар, кўп йиллик ўртача кўрсаткичдан эса икки баравар кам.

Унинг сўзларига қараганда, сув сатҳи яна бир метрдан сал ортиқроқ камайса, танг ҳолат белгисига етади. "Барки тожик" вакили шуни ҳам таъкидладики, "Душанбени электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш учун қўлидан келган ҳамма иш"ни қилади.

Хуллас, оддий қилиб айтганда, Тожикистон минтақанинг қуйи қисмида жойлашган мамлакатларга борадиган оқар сув миқдорини камайтирмоқчи. Шу ўринда эслатиб ўтмоқчиманки, бундай вазиятлар илгари ҳам кузатилган. 2008 йилнинг августида ўша Нурек сув омбори чиқариб юборилаётган ортиқча сув миқдорини шу тарзда камайтириб, минтақа қуйисидаги мамлакатлар, айниқса, Ўзбекистоннинг Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида суғорма ва ичимлик сув муаммосининг келиб чиқишига сабабчи бўлган эди. Ўшанда бу икки воҳада экинлар парвариши даврида сув кўп йиллик ўртача меъёрга нисбатан 20-30 фоизга тушиб қолганди. Шу билан бир вақтда Амударёда сувнинг пасайиб кетгани Қарши магистраль ва Аму-Бухоро машина каналида меъёрдагидан миллиард куб метр кам сув олинди.

Сув таъминотида юз берган бундай тақчиллик оқибатида республика қишлоқ хўжалигига улкан зарар етказилди. Бир неча минглаб тонна қимматли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари кам олинди. Бу юз миллионлаб доллар даромад бой берилди деган гап.

Шу ўринда "Ўзбекистонда қўшниларнинг ҳар бир сўзи ёки хатти-ҳаракатидан ғаво, фитна излашга уринадилар" дея сафсатабозлик ва бичиб-тўқишда айблашларининг олдини олиш учун Тожикистон раҳбарларига яхши маълум бўлган, аммо, нима учундир яширишга уринишадиган маълумотларни келтирмоқчиман. Вахшнинг бош ирмоғи ҳисобланувчи Сурхоб дарёси суви қирғоқларидан тошиб чиқиб, соҳил бўйлаб жойлашган уй-жойларни ғарқ қилмоқда. Сурхобнинг сув ресурслари Роғун сув омборига қуйилиб, унинг бутун захирасини шакллантиради. Ушбу сунъий кўлдан чиқариладиган сув Вахш дарёси бўйлаб маълум масофани босиб ўтиб, ўша сув омборига қуйилади.

Дарвоқе, таъкидлаш жоизки, Нурек сув омборидаги обҳаётнинг энг юқори кўтарилиш нуқтаси 58 метр баландликда белгиланган (акс ҳолда ГЭСнинг ҳамма агрегатларини сув босади). Ҳозирги вақтда эса, бу кўлдаги сувнинг сатҳи 56 метр. Ваҳоланки, танг нуқта 52 метр баландликда белгиланган.

Бундай маълумотлардан ҳаяжонга тушмаслик керак. Ўзбекистонда қўшни давлатдаги сув билан боғлиқ бундай ҳолатларни синчковлик билан кузатиб боришади. Зеро, "Ўзингга эҳтиёт бўл, қўшнингни ўқри тутма" деган доно халқ мақоли ўзининг ҳаётий эканлигини кўп ва хўб исботлаган.

Юз берган вазиятда, табиийки, Тожикистон ҳукумати тарқатаётган ахборотлар аввало чет эллиларга қаратилган. Негаки, Нурек сув омборида сувнинг миқдори меъёрий нуқтага етмаганлигининг сабаби, унинг асосий қисми Роғун сув омборида қолаётганидир. Бу шуни кўрсатадики, ҳали охирига етмаган Роғун қурилиши ҳозирданоқ Амударёнинг қуйи қисмидаги мамлакатларга катта зарар етказмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, Тожикистоннинг бир қатор юқори мансабли амалдорлари Амударё этагида жойлашган мамлакатлар Роғун сув омборини тўлдириш жараёнида ҳеч қандай жабр кўрмайдилар деб ишонтиришга уринганларини эслатиб ўтишни истардим. Бу борада улар, ҳатто, Ўзбекистон, Қозоғистон ва Туркманистон лимит бўйича қанча лозим бўлса, шунча сув оладилар, деб онт ичмоқдалар.

Шу билан бирга Тожикистон томони Ўзбекистонни яна бир нарсада айблашга уринмоқда. Гап шундаки, Роғун қурилиши лойиҳаси амалга ошадиган бўлса, унинг сув омбори тўлгунича, мамлакат аҳолисининг катта қисми узоқ муддатга сувсиз қолишига Ўзбекистондагилар қаттиқ ишонишади.

Нима ҳам дейиш мумкин, олий ва одил ҳакам, яъни вақт кимнинг ким эканлигини яна бир бор исботламоқда.

Сарвар РАШИДОВ. Белый Парус.

Тошкент шаҳар Миробод тумани ҳокимияти томонидан 2009 йил 16 октябрда № 003030-03 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "HILOLA-BONU UNIVERSAL" (ИНН 300707638, ОКОНХ 71280) МЧЖ ўз фаолиятини **ТУГАТМОҚДА.**

Даъво ва аризалар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой мобайнида А. Фитрат кўчаси, 20-уйда қабул қилинади.

Тошкент шаҳар Олмазор (С. Раҳимов) туманидаги 165-мактаб томонидан 2009 йилда Халилов Азизжон Алишер ўғли номига берилган O`R-SH № 0379171 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент вилояти Зангиота (аввалги Тошкент тумани) тумани ҳокимияти томонидан 2006 йилда рўйхатдан ўтган "QORA-MARVARID-FAYZ" МЧЖ ўз фаолиятини **ТУГАТМОҚДА.**

Даъво ва аризалар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой мобайнида Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Гулистон кфй, Чимкент йўли кўчаси, 152-А уйда қабул қилинади.

Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги ТСРЎИ томонидан рўйхатдан ўтган "AL QASR PLUS" масъулияти чекланган жамиятига тегишли бурчак штампи йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ООО "SMART PRODUKT" (ИНН 302014834), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского района г. Ташкента сообщает об изменении названия с ООО "SMART PRODUKT" на ООО "SMART BUSINESS GROUP". Тел.: 461-91-85.

Тошкент вилояти Зангиота тумани ТСРЎИ томонидан 25.08.2008 йилда 2356 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "ROSSTANDARTPODSHIPNIK" МЧЖ таъсисчининг 21.07.2011 йилдаги 3-сонли қарорига кўра **ТУГАТИЛМОҚДА.**

Талаблар бўйича 2 ой мобайнида Зангиота тумани, Эшонгузар кфй, Мустақиллик кўчаси, 20-уй манзилига мурожаат қилиниши мумкин. Тел.: (+99897) 752-17-02.

Частное предприятие "SHUHRATLI" (ИНН 200844004), зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Шайхантахурского района г. Ташкента № 004206-09 от 15 апреля 2010г., расположенное по адресу: г. Ташкент, ул. Орифон, дом 57, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (на основании решения учредителя № 1 от 15.07.2011г.).

Претензии принимаются в течение одного месяца со дня публикации объявления.

ООО "AZIA OPEN GROUP" (ИНН 301475230) М. Улугбекского района г. Ташкента сообщает о преобразовании в ЧП "AZIA OPEN GROUP" и уменьшении уставного фонда с 8.501.000 сумов до 100.000 сумов.

«TOSHKENTDONMAHSULOTLARI» ОАЖ

қуйидагиларни маълум қилади:

Тошкент шаҳар ҳокимлиги маҳкамасини молия бош бошқармаси томонидан 2011 йил 21 июлда тасдиқланган 846-ТГ-2011-сонли Реестрга мувофиқ "TOSHKENTDONMAHSULOTLARI" ОАЖда 2011 йил 10 августдан 1 тонна дон тозалаш хизматлари (ҚҚС билан бирга) 6536,00 сўм, 1 тонна дон қуритиш хизматлари (ҚҚС билан бирга) 601,31 сўм қилиб белгиланди.

ДИҚҚАТ, ЭЪЛОН!

"Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижросини таъминлаш мақсадида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Эксперт кенгаши "Ўқув биноларининг хавфсизлиги тўғрисида"ги техникавий регламентини ишлаб чиқди.

Техникавий регламент юзасидан фикр ва мулоҳазалар қуйидаги манзилда қабул қилинади: 100095, Тошкент ш., 2-Чимбой кўчаси, 96-уй. Тел./факс: 246-62-29.

КЎРГАЗМА

Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида мамлакатимиз ва Жанубий Корея мусаввирлари ижод намуналаридан иборат анъанавий бадиий кўргазма ташкил этилди.

АСАРЛАРДА ИНСОН ҚИЁФАСИ

Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида ўтказилаётган мазкур кўргазманинг очилишида санъатшунос олимлар, рассомлар, юртимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Бу жиҳатлар маданият ва санъат, таълим, илм-фан каби соҳаларда ҳам ўз ифодасини топмоқда. Жанубий кореялик ижодкорлар юртимизда мунтазам ўтказилувчи турли ижодий лойиҳалар, бадиий ва фото кўргазмалар, "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа санъати фестивали, "Art Week Style.Uz" санъат ҳафталиги каби тадбирларда мунтазам иштирок этмоқда. Юртимиз санъаткорларининг ранг-баранг концерт дастурлари, ўзбек рассомлари ижодига бағишланган кўргазмаларни кореялик ихлосмандлар ғоят қадрлайди.

Юртимизда ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиладиган ўзбекистонлик ва кореялик рассомлар ижодига бағишланган бадиий кўргазма бунинг тасдиғидир. Кўргазмада ҳар икки мамлакат рассомларининг Ватанни, она табиатни эъзозлаш ҳақидаги асарлари, оддий инсонлар қиёфаси акс эттирилган картиналари томошабинлар эътиборига ҳавола этилган.

ЎзА.

Юқори Чирчиқ:

ҲАР ҚАДАМДА ЯНГИЛАНИШ

4. Эртанги кун етук мутахассисларини камол топтириш – бугунги бош вазифа

Ёшлар – Ватан келажаги, улар бизнинг умид ва ишончимиз.

Шу боис, Президентимиз юртимизнинг эртанги ривожи ва тараққиёти учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган етук мутахассисларни камол топтириш, уларнинг истеъдодларини юзага чиқариш борасида шарт-шароитлар яратишга урғу бердилар.

Таълим-тарбияга эътибор зарур бир даврда Юртбошимиз раҳнамолигида Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда унинг узвий давоми бўлган мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури, таълим тўғрисидаги қатор фармон, қонунлар қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилаётгани соҳа ривожига туртки бўлди десак, муболаға бўлмайди.

Бинобарин, ўтган йиллар мобайнида чекка-чекка қишлоқларимизда ҳам замонавий мактаб, лицей ва коллежлар барпо этилди. Уларнинг моддий-техник базаси яхшиланди, малакали олий тоифали ўқитувчилар билан таъминланди. Зарур асбобускуналар, компьютер, лингофон билан жиҳозланган махсус хоналарда дарслар янада қизиқарли ўтмоқда. Минглаб китоб фондига эга ахборот-ресурс марказлари ўқувчиларга ҳатто чет эл адабиёти дарсликларини тўғридан тўғри мутолаа қилиш имкониятини берди.

– Мен ўз юртим, туғилиб ўсган гўшам билан фахрланаман, унинг ютуқларидан қувонаман, – дейди истиқлол тенгдоши Пердибой Мусаев. – Биз ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрлик қалбларга олам-олам ғурур бахш этди. Ўтган 2008 йил Ёшлар, 2010 йилни Баркамол авлод йили дея номланиши, Юртбошимизнинг униб-ўсиб келаётган ёш авлод бизнинг давомчимиз, суянчимиз ва таянчимиздир деб қайта-қайта такрорлашлари бизга билдирилган ишонч ифодасидир. Демак, биз шу ер, шу заминни асраб-авайлаб, эрта-ю кеч ўқиб, изланиб, фидойилик қилмоғимиз шарт.

Туман коллежларида

Пердибой каби таҳсил олиб, ўзининг иқтидори, хулқ-атвори, чуқур дунёқараши ва билими билан тенгдошларига намуна бўлаётган ёшлар кўп. Улар қурилиш-сервис, агросаноат ва иқтисодиёт, қурилиш-иқтисод ҳамда педагогика коллежларида дунёвий билимларни пухта эгаллашмоқда.

Биламизки, бола илк сабоқни мактабда олади. Ёшликда ўзлаштирилган билим, кейинчалик унга асқотади. Умумтаълим мактабларида туманда 40 та бўлиб, уларда 445 та турли йўналишдаги тўгараклар доимий ишлаб турибди. 14 минг 471 нафар ўғил-қиз шу тўгаракларнинг доимий қатнашчиси. Бундан ташқари, мусиқа ва спорт мактабларидаги тўгаракларда 1 минг 250 ўқувчи мунтазам шуғулланмоқда.

Илм масканларида ёш авлодни миллий истиқлол ғоялари руҳида тарбиялаш, уларда инсонпарварлик, ватанпарварлик фазилатларини уйғотиш, ҳалоллик, тўғрилик, меҳнатсеварлик, адолатли бўлишга ўргатиш, шу билан бирга ёшларнинг турли оқимларга қўшилиб қолишларига йўл қўймаслик борасида кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, тумандаги барча умумтаълим муассасаларида "Диний экстремизм ва терроризмга қарши тарғибот марказлари" ташкил қилинди. Марказлар ёшларнинг маънавий онгини юксалтириш, қолаверса, уларни соғлом фикрлашга ўргатмоқда. Болаларнинг жисмонан бақувват бўлишларида уюштирилаётган спорт мусобақалари катта ёрдам бераяпти десак хато бўлмайди. Туман "Камолот" ЁИҲ ташаббуси билан ўтказилган "Камолот маликаси" мусобақасида 6 та мактаб қизлари қатнашиб вилоят босқичида ҳам биринчи ўринни забт этишди.

"Умид ниҳоллари" спорт ўйинларида эса 26-умумтаълим мактаби тарбияланувчилари фахрли ўринларни эгаллашди.

Педагоглар ўртасида спортни оммалаштириш мақсадида "Спорт ойлиги" ўтказилаяпти.

Спортнинг гимнастика тури бўйича туман ёшлари эришаётган ютуқлар ҳам мақтагулик. Улар нафақат туман балки вилоят ва республика босқичларида иштирок этиб, ўз маҳоратлари билан кўпчиликни лол қолдирмоқдалар.

Қисқа қилиб айтганда, туман мактабларида ўқиётган жами 19 мингга яқин ўқувчига иқтидорларини намоён этишлари учун етарлича шароит муҳайё этилган. Қолаверса, бу борада уларга 1 минг 323 нафар ўқитувчи яқиндан кўмак бермоқда. Рағбат бор жойда натижа яхши бўлади. Мактабларда "Энг намунали фан хонаси", "Фаол, фидокор ва тадбиркор ўқитувчи", "Устоз хурматда – шогирд хизматда", "Ўз фанининг устаси" каби кўрик-танловлар уюшқоқлик билан ўтказилади.

– Ҳам ақлли, ҳам билимли, ҳеч кимдан кам бўлмаган фарзандларни тарбиялаш бизнинг муқаддас бурчимиз, – дейди 7-умумтаълим мактаби директори Нуриддин Якубов. – Негаки, бугунги сабоқ Ватанимизнинг эртанги иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий тараққиётини кафолатлайди.

Ирода НОРБОЕВА,
Собир ЗУФАРОВ (суратлар),
"Тошкент ҳақиқати" мухбирлари.

СУРАТЛАРДА: 18-умумтаълим мактаби ўқувчиси Санжар Туранбоев бокс бўйича вилоят чемпиони. У мураббийи Серик Усенов билан келгусидаги мусобақаларга қизғин тайёргарлик кўрмоқда; туман ёшлари байрам ва тадбирларда доим фаол.

СПОРТЧИ АЁЛЛАР АНЖУМАНИ

Пойтахтимизда "Шарқ яккакурашлари ва замонавий аёл" мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Ўзбекистон шарқ яккакурашлари ва жанг санъатларини ривожлантириш маркази томонидан ташкил этилган тадбирда марказ тизимидаги федерация вакиллари, фахрий спортчилар, спортчи қизлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Мазкур йўналишда Ўзбекистон шарқ яккакурашлари ва жанг санъатларини ривожлантириш маркази ҳам муайян ишларни амалга оширмоқда. Марказ қошида ташкил этилган хотин-қизлар қўмитаси қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш орқали саломатлигини мустаҳкамлаш, ижтимоий фаоллигини ошириш, қизларни соғлом оила қуришга тайёрлашга хизмат қилмоқда.

Бу борада қўмита аъзолари – шарқ яккакурашлари билан шуғулланаётган ва спортда муайян натижага эришган қизлар юртимизнинг шаҳар ва қишлоқларида спортни тарғиб қилиш мақсадида турли семинар-тренинглар ўтказиб, шарқ яккакурашларига қизиқувчи қизларнинг мунтазам шуғулланиши учун спорт тўгаракларини ташкил этишда фаол иштирок этмоқда.

– Болалигимдан курашга қизиқаман, – дейди қўмита аъзоси Муқаддас Кубеева. – Спорт орқали ҳаётда ўз ўрнимни топдим, жаҳон майдонларидаги нуфузли мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиш бахтига муяссар бўлдим. Бу юртимизда хотин-қизларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш борасида амалга оширилаётган ишларнинг ўз ҳаётимдаги самарасидир.

Анжуманда хотин-қизлар ҳаётида жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни, шарқ яккакурашларининг қизлар гўзаллиги ва саломатлигини мустаҳкамлашдаги аҳамиятига бағишланган маърузалар тингланди.

Байрам АЙТМУРОДОВ,
ЎзА мухбири.

Аъзам АЗИМИЙ

Достон дала ҳовлисига қайтар экан: "Нима учун қишлоқ аҳли бир зумда ўз ҳовли-жойларини ташлаб кетган? Уларнинг ялпи кўчиб кетишига қандай бало сабаб бўлган?" деб ўйлаб борарди. Шу ҳақда туни билан бош қотириб, бирор фикрга келолмади. Эртасига, шанба куни, Тулкибошдан ўн чақиримча нарида жойлашган қишлоқларнинг бирлашган кенгашига бориб, шу масала юзасидан кенгаш раиси билан учрашди. Кекса ёшдаги оқсоқол Достонни очиқ чеҳра билан кутиб олди. Таниқли газета таҳририятида мухбир бўлиб ишлашини тасдиқловчи гувоҳномани кўргач, Достонга бўлган ҳурмати янада ошди.

– Эҳ, укажон! Ўзингиз ўқиган, тушунган одам экансиз, билишингиз керак. Бизнинг туман марказига чет эл фирмалари қатор уй-жой қуриб, аҳолига арзон-гаров бера бошлаганини эшитган тулкибошликлар, аллакимнинг сигирими, эчки-печкисими чала туққанини баҳона қилиб, бир кечада, ўттиз беш оила кўчиб, район марказидаги уйларга кириб олди. "Ҳа, сизларга нима бўлди?" деб, туман раҳбарлари сўрашса: "Кўлга қарғиш теккан! Мол-холларимизу, хотин-қизларимиз болаларини чала туғиб қўйишаяпти!" деб туриб олишди.

– Туман раҳбарлари нима чора кўришди?

– Эҳ, иним, катта тўполон бўлган ўшанда. Турли назорат органлари тафтишу текширувлар ўтказиб, лаънати кўлнинг на сувида, на тупроғу об-ҳавосида инсон билан жониворларга зарар етказадиган бирорта модда тополмай, ҳудуд ҳолати қониқарли деган хулосага келишган.

– Кейинчи? Кўчиб келган ўттиз беш оиланинг тақдири нима бўлди? Зўравонлик билан босиб кирган уйларини бўшатиб беришдими?

– Қаёқда дейсиз? Бу ёғи ўзбекчилик деб, ҳокимият индамади. Улар ўша уйларда ҳозиргача истиқомат қилишмоқда. – деди оқсоқол Достонга чой узатиб. – Ўша ерлардан дала ҳовли олиб, жуда яхши иш қилибсиз. Вилоят ҳокимлигининг қарори билан Тулкибошда ташлаб кетилган хонадонлар таъмирланиб, дам олиш уйларига айлантириш режалаштирилган. Режани пул билан таъминлайдиган мутасаддилар топилиши билан бу хайрли ишни бошлаб юборамиз...

* * *

Кенгаш раисининг олдидан анча енгил тортиб чиққан Достон дала ҳовли томон машинасини дадил ҳайдади. Аммо икки чақиримча ҳам юрмай, ёқилғи кўрсаткичи милининг "ноль"га қадалганини кўриб, машинасини туман марказига бурди. Марказга кираверишдаги ёқилғи қуйиш шахобчасига икки юз қадам қолганда, машина мотори ўчди. Қишлоқ болалари кўплашиб итариб, ҳожатини чиқаришди. Керак-ли миқдорда ёқилғи олган Достон, шахобча хизматчиларидан чет элликлар қуриб берган ўша коттежлар ҳақида шунчаки сўраганида, улар кулиб, шахобча орқасида кўриниб турган қатор бежирим уйларни кўрсатишди...

Достоннинг мухбирлигини билгач, тулкибошликлар чека-чекадан гапириб, миясини ғовлатиб юборишди. Уларнинг айтишича, Тулкибош об-ҳавосию суви шифобахшликда тенги йўқ, тупроғи унумдор жойлар бўлган. Бироқ, кўз тегиб, кейинги йилларда бу ерда хунук воқеалар юз бера бошлаган. Кўл атрофидаги яйловда ўтлаб юрган сигир ва қўйларнинг бузоқ ва қўзилари муддатидан олдин туша бошлаган. Бир йилдан кейин туғилган молу қўйларнинг эса, устида туки бўлмаган. Боз устига келинлар ҳам чала туға бошлашган. Бундай ҳолатдан ваҳимага тушган аҳолининг дод-войига маҳаллий ҳокимият аҳамият беравермагач, улар яккаллик билан юқоридаги ўзбошимчаликка қўл уришган...

Болалари тушган ўн-ўн бешта жувон билан гаплашиб кўрган Достоннинг тарвузи қўлтиғидан тушди. Чунки, бу аёлларнинг барчаси Тулкибош кўлида чўмилган, унга оқувчи зилол сувлардан мириқиб ичганлардан эди.

Якшанба куни Достон зудлик билан оиласини олиб, шаҳарга йўл олди. Бир ҳафта ўтгач эса Фароғатнинг иккинчи гумонаси ҳам тушди. Ўлик тушган ҳомилани обдон тафтиш қилган профессор:

– Иним, хотинингиз радиактив моддалар билан ишламайдими? – деб, Достонни лол қолдирди.

* * *

Мухбирининг ташвишли кўринишидан хавотирланган бош муҳаррир Достонни хонасига чақиртирди. Унинг сўзини эътибор билан тинглаган бошлиқ, уч-тўрт дақиқа сукут сақлаб турдида, икки-уч ерга қўнғироқ қилиб, алланарсаларни ёзиб олди. Сўнгра Достонга юзланиб, шундай деди:

– Дала ҳовлинг жойлашган туман раҳбарига қўнғироқ қилиб, мухбир жўнатаётганимни айтдим. Газетамизнинг расмий вакили сифатида ўзингни қизиқтирган ҳамма ҳужжатлар билан танишишинг мумкин. Аввал ҳокимга учраш, ўзингни танит, сафардан мақсадингни тушунтир. Ҳоким жуда маънили, хушфеъл одам. У сенга ёрдам беради. Бир ҳафтача юриб, ҳужжатлар йиғиб келчи, бу қандай "лаънатланган қўл" эканлигини кўрамиз,..

Бош муҳаррир айтгандек бўлди. Истараси иссиққина ҳоким Достонни очиқ чеҳра билан кутиб олди. Таширф сабабини билгач:

– Эҳ, одамлар, – дедию ҳашамдор оромкурсига ўрнашиброк ўтирди. – Уларнинг назарида биз раҳбарларнинг фуқаролар дарди билан мутлақо ишимиз йўқ. Ваҳоланки, эртаю кеч, бетинам шуларни деб юрибмиз. Буни эса халқ кўрмайди, билмайди.

Юзида ҳорғинлик аломати зоҳир бўлган ҳоким алланималарни ёзди, кейин котибани чақириб, қўлига қоғоз тутқазаркан тайинлади:

– Рўйхатдагилар пешиндан кейин хонамга етиб келишсин. Кўриладиган масала – Тулкибош кўли атрофидаги социал-экологик ҳолат.

Фавқулоддаги мажлис бошланишига икки соатча вақт борлиги учун Достон туман марказини айланди. Чойхонага кириб, тамадди қилишга ҳам улгурди. Белгиланган вақтдан ўн минут олдин қабулхонага етиб келганида, котиба ундан гина қилгандек, таклиф қилинганлар аллақачон тўпланганлигини айтиб, ёш мухбирни ҳокимнинг кабинетига киритиб юборди. Ичкарига кирган Достон хижолат тортди. Чунки йиғилган салобатли одамлар муҳокамани бошлаб юборишганди.

Асабийлашган ҳоким Достонни кўриши билан ёқимли жилмайиб, йиғилганларга уни таништирди. Биринчи бўлиб сўз олган туман прокурори нимадандир энсаси қотган оҳангда гап бошлади:

– Тулкибош қишлоғи аҳолисининг ҳукумат раҳбарига йўллаган жамоавий шикоят хати юзасидан жиноят иши қўзғаб, ҳар томонлама чуқур текширув ўтказдик. Уч ой сурункали олиб борилган таҳлилларимизга кўра, номи зикр этилган ҳудудда яшаш шароити меъёр чегарасидан чиқмаган. Тупроқ, сув ҳамда ҳавода инсон ва жониворларнинг ҳаётига хавф соладиган, зарарли унсурлар аниқланмаган. Тулкибош аҳолисининг номидан ёзилган шикоят хатида келтирилган хавотирлар асоссиз деб топилганлиги сабабли жиноий иш ёпилди, – прокурор қисқа ахборотининг сўнгги сўзларини зарда билан тугатди-да Достонга еб қўйгудек тикилди.

Кетма-кет сўз олган тумандаги махсус бошқармаларнинг бошлиқлари ҳудуднинг экологик, санитар, радиобиологик ҳолатлари ҳавас қилгудек эканлиги, аҳоли томонидан ёзилган шикоят хати ваҳима гаплардан бўлак нарса эмаслиги ҳақида гапирдилар.

Достон иккиланиб қолди. Шунда Фароғатнинг ҳомиласини синчиклаб ўрганган профессорнинг гумони ёдига тушиб, тортинибгина сўради:

– Ҳудудда радиация миқдори қанча?

– Бу ерда бирор-бир саноат корхонаси, ёинки махфийлаштирилган лаборатория бўлмагандан кейин радиацияга бало борми, укахон, – деди ҳоким киноя билан.

– Шундай бўлсада, биз вилоят радиология лабораториясини таклиф қилиб, текширув ўтказганмиз. Тулкибошда ҳам, туманимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам радиацион нурланишлар мутлақо йўқлиги аниқланган, – деди туман санитария врачи папкасидан бир қоғоз олиб, совуқ жилмайиш билан Достонга узатар экан. – Бу маълумотномани атайлаб сиз учун кўпайтирганман, олиб кетаверинг!

Ҳафта давомида Достоннинг қўлида жамланган ҳужжатлардан шу нарса англашилдики, Тулкибош кўли атрофидаги шарт-шароит аъло даражада, у ерда замонавий санаторий ёки оромгоҳ қурилишини бошлаб юбориш қолган холос.

Фароғатни даволаётган профессор, Достон олиб келган ҳужжатларни ҳафсаласизлик билан варақлар экан, елка қисиб, бош чайқади.

– Бўлмаса, чала тушган фарзандингиз ва аёлингизнинг қони таркибидаги радионуклидлар қаердан келган?..

(Давоми бор).

(Давоми. Боши ўтган сонда).

Утерянную круглую печать ЧП "BOJOK YURIY PAVLOVICH", зарегистрированного отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимята Чиланзарского района г. Ташкента по адресу: ул. Мукимий, д. 146, кв. 26, выданную разрешительным отделом Чиланзарского РОВД,

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Частная фирма "SHAHARCHA SERVIS" (ИНН 203481756), зарегистрированная инспекцией по регистрации субъектов предпринимательства Сергелийского района г. Ташкента за реестровым № 002277-06 от 02.11.2009г. преобразуется в ООО "SHAHARCHA SERVIS".

РАССОМ ХАНДАСИ

ООО "DREAM STAR GROUP" сообщает об уменьшении уставного фонда с 25 000 000 сумов до 20 000 000 сумов. Тел.: (+99897) 442-39-59.

ООО "BAHOR NUR" Яккасарайского района г. Ташкента (ИНН 203611814) объявляет о снижении уставного фонда с 61.000.000 сумов до 42.000.000 сумов.

ООО "GAZ SANOAT BIZNES" Яккасарайского района г. Ташкента (ИНН 300596374) объявляет о снижении уставного фонда с 16.000.000 сумов до 14.700.000 сумов.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54. Эълонлар: 236-55-03, 236-55-59.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир **Сайёра РИХСИЕВА**
Навбатчи **Ирода НОРБОЕВА**
Саҳифаловчи **Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ**

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-742. Адади 6906. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. *"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.* Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.30. 1234